Ушбу сонда:
2 ИЖТИМОИЙ ТЎЛОВЛАР накд пул тушумига боғлиқ
3 ЎЗБЕКИСТОН САНАТОРИЙЛАРИ йилнинг тўрт фаслида сизга мунтазир
4 Бор бўл, оқибат! ОИЛАДАГИ ТАРБИЯГА НИМА ЕТСИН!



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 4 июн, жума № 90 (1723)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 июн куни Оқсаройда Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Игор Ивановни қабул қилди.***

Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу учрашув мамлакатларимизнинг хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигига доир масалаларни муҳокама қилиш учун яна бир имконият эканлигини таъкидлади. Зеро, давлатимиз раҳбарининг шу йил апрел ойида Россияга ташрифи чоғида Ўзбекистон ва Россия муносабатлари ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилаётгани таъкидланган эди.

И.Иванов Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо мамлакатлар хавфсизлик кенгаши котибларининг 4 июн куни Тошкентда ўтказиладиган учрашувида қатнашиш учун келган. Унда Марказий Осиё минтақасидаги жўғрофий-сиёсий вазиятга, хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳамкорликни янада ривожлантиришга ҳамда халқаро террорчиликка, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашишни такомиллаштиришга оид масалалар муҳокама этилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилаётган мазкур тадбир ШҲТнинг бошқа аъзолари қатори Россия раҳбарияти томонидан ҳам қўллаб-қувватланган.

Маълумки, Ўзбекистон таклифи билан ШҲТнинг Тошкент саммитидан олдин иқтисодиёт ва савдо вазирлари, хавфсизлик кенгаши котибларининг учрашувларини ўтказишга келишиб олинган эди. ШҲТ доирасидаги ҳамкорликда икки йўналиш - хавфсизлик ва иқтисодий алоқаларга алоҳида эътибор берилишини ҳисобга олганда, мазкур учрашувлар ғоят муҳим аҳамият касб этиши аён бўлади.

Оқсаройдаги суҳбатда Ўзбекистон ва Россиянинг ўзаро ҳамкорлиги, мамлакатларимизнинг ШҲТ доирасидаги муносабатлари ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**





«Норин ип йигирув-тўқув» ҳиссадорлик жамиятида маҳсулот сифатини оширишга асосий эътибор қаратилмоқда. Бу ерда икки турдаги ип маҳсулотлари тайёрланмоқда. Корхонада 280 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 90 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Улар учун меҳнат хавфсизлиги шароитлари тўлиқ яратилган. Ходимлар махсус кийим-бош билан таъминланган. Зарарли меҳнатда ишловчиларга эса сут маҳсулотлари берилмоқда.

***Суратларда: ип йигирувчилар Раъно Назарова ва Умида Қодирова (юқорида); Раҳбарой Мадалиева, Муҳаббат Мусаева, Дилфуза Раҳматуллаева.***

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Игор Иванов Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Мулоқот чоғида Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро террорчилик, уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши ҳамкорликда курашиш ҳамда қатор халқаро муаммолар хусусида сўз борди.

Томонлар ШҲТнинг Тошкентда ўтажак саммитига тайёргарлик, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан ҳам фикрлашиб олдилар.

**(ЎзА)**

## БОЛАЛАР БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

***«Интерконтинентал» меҳмонхонасида етим болаларни ижтимоий муҳофаза қилишга бағишланган халқаро конференция бошланди. Анжуман «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси билан ҳамкорликда БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги кўмагида ташкил этилди. Конференция Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан республикамизда ўтаётган ҳафталик доирасида бўлмоқда. Унда вазирлик ва идоралар, жамоат уюшмалари ва жамғармалар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, шу жумладан ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, Жаҳон соғликни сақлаш ташкилоти, «SOS Kinderdorf International» вакиллари иштирок этмоқдалар.***

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистонда ёш авлоднинг баркамол ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш мамлакатимиз раҳбарияти ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди, деди конференцияни очар экан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова.

Республикамиз болалар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир барча асосий халқаро ҳужжатларга қўшилган. Бу борада қатор давлат дастурлари, қонунлар амалга оширилмоқда. Ҳукуматимиз ушбу масала билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга катта маблағ ажратмоқда. Жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётган бундай ишлар Меҳр ва мурувват йилида янада кучайди. Шуниси қувонарлики, бу ишда кўплаб халқаро ташкилотлар катта ёрдам бермоқда.

Ўтган йилги ЮНИСЕФ мониторинги якунларига кўра, республикада болаликни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга юқори баҳо берилди. Бу ҳақида май ойида Сараевода бўлиб ўтган «Болалар учун озод дунё» халқаро конференциясида ҳам гапирилган эди. Унда Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этди. Мамлакатимизда ота-она меҳридан маҳрум болаларга алоҳида эътибор берилмоқда, бундай болалар тўлақонли ривожланиши учун барча зарур шароитларни яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилинмоқда. Ота-онасиз тарбияланаётган болаларни қўллаб-қувватлашда катта ишларни амалга ошираётган «Sen yolg'iz emassan» жамғармаси фаолияти бунинг ёрқин мисолидир.

Анжуманда «Sen yolg'iz emassan» жамғармаси ҳомийлик кенгаши раиси Л.Каримова жамғарма ташкил этилган 2002 йил ноябрдан буён қилинган ишлар ва келгуси режалар ҳақида маъруза қилди. Жамғарма ота-онасиз қолган болалар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимояси, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, истеъдодини рўёбга чиқариш, келгусида ишга жойлашишига ёрдам берадиган қўшимча билимларни эгаллашда уларга кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Шу сабабли жамғарма қисқа вақт ичида бундай хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшиш истагини билдирган кўплаб маслакдошларга эга бўлди.

Бугунги кунда республикадаги меҳрибонлик уйларида 3193 бола тарбияланмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда уларнинг сони камаймоқда. Бу эса республикада оиланинг мавқеи, болаларни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамиятини оширишга доир олиб борилаётган ишлар самарадорлигини кўрсатади. Оиладан ташқарида вояга етаётган болаларнинг жамиятга қўшилиши масаласи жамоатчиликдан жиддий эътиборни талаб этади. Бундай болалар бошқалар билан баравар яхши билим ва истиқболли касбни эгаллаш имконига эга бўлиши керак. Шу боис «Sen yolg'iz emassan» жамғармасининг энг муҳим вазифаларидан бири меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини мустақил ҳаётга тайёрлашдир.

Жамғарма ҳузурида меҳрибонлик уйларида вояга етганларни касбга йўналтириш билан шуғулланадиган ўқув маркази ташкил этилган. Бу ерда улар учун турли фанлар бўйича машғулотлар ўтказилади. Мактаб дастурига қўшимча равишда эгалланган билимлар болаларга коллеж, лицей, олий ўқув юртларига киришда ёрдам бермоқда.

Конференцияда халқ таълими вазири Т.Жўраев, соғликни сақлаш вазири Ф.Назиров, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А.Саидов, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Бренда Виго, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ваколатхонаси раҳбари Арун Нанда ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари сўзга чиқди.

Таъкидландики, Ўзбекистонда ота-онасиз тарбияланаётган болалар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича самарали тизим яратилган. Меҳрибонлик уйларида уларнинг тарбияси ва ривожланиши учун зарур шароитлар мавжуд. Бироқ энг кучли ғамхўрлик ҳам ота-она меҳрини боса олмайди. Шунинг учун болаларни васийлик ва асраб олишга бериш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда маҳаллаларнинг аҳамияти ортмоқда. Мамлакатимизда оилавий турдаги 4 меҳрибонлик уйи фаолият кўрсатмоқда. «SOS - Ўзбекистон болалар маҳалласи» уюшмаси ҳам шу каби тамойил асосида ишламоқда. Ногирон болаларни тарбиялаш ва уларга таълим беришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бундай болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш дастури амалга оширилмоқда.

Конференциянинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов, Бош вазир ўринбосари Э.Ғаниев, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

**(ЎзА)**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ХИТОЙ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

***Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар илдизи қадим тарихга эга. Бунда Буюк ипак йўлининг ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган. Истиқлол йилларида икки мамлакат ўртасида барча соҳалардаги алоқалар янги, юксак поғонага кўтарилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига, Хитой раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифлари икки томонлама ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини белгилаб берди.***

Кенг кўламдаги ана шу ҳамкорлик доирасида юртимизда 11-15 июн кунлари ўтадиган Хитой маданияти кунлари икки мамлакат халқлари ҳаётида муҳим воқеа бўлади. Ушбу тадбир ўзаро маданий-маърифий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилиб, юртдошларимизни хитой халқи маданияти ва санъати билан янада яқинроқ таништиради.

Айтиш жоизки, илгари хитой миллий ашула ва рақс ансамблининг концерти Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Жиззах каби шаҳарларимизда муваффақиятли ўтган. Хитойлик санъаткорлар мунтазам равишда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалларида қатнашиб келадилар.

Ўз навбатида мустақил Ўзбекистон тарихи, адабиёти, маданияти ва санъати бутун жаҳонда бўлгани каби Хитойда ҳам катта қизиқиш уйғотаётир. Ўтган йили мазкур мамлакатнинг Чаньчунь шаҳрида буюк мусаввир бобокалонимиз Камолиддин Беҳзод ҳайкали қад ростлади. Ушбу ёдгорлик муаллифи ҳамюртимиз, таниқли ҳайкалтарош Равшан Миртожиевдир. Пекиндаги тасвирий санъат музейида эса ўзбек мусаввирлари ва фотоусталарининг кўргазмаси ташкил этилди. Қатор ижодий жамоаларимиз, жумладан, «Шодлик» ансамбли ХХРнинг бир неча шаҳарлари аҳлини миллий санъатимиздан баҳраманд этган. Анъанавий Пекин Халқаро маданият ва туризм фестивалида Қува туманининг «Анор» ашула ва рақс ансамбли, пойтахтимиздаги Ибн Сино номли маданият маркази «Умид» гуруҳининг мусиқий чиқишлари хитойлик ихлосмандларга манзур бўлган.

«Ниҳол» мукофотининг совриндори Ирода Йўлдошева Шанхайда ўтган Осиё халқаро мусиқа фестивалида муваффақиятли иштирок этган.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигидан ЎзА мухбирига хабар қилишларича, Хитой маданияти кунларида бу мамлакатнинг энг яхши мусиқий, бадиий ва бошқа ижодий жамоалари ўзининг сара дастурлари билан иштирок этади. Қатор халқаро танловлар совриндори - «Гуань чжоу» цирки, хитой миллий чолғу оркестри ва бошқа жамоалар шулар жумласидандир.

Хитой маданияти кунлари арафасида Ўзбекистон Бадиий академияси ва Замонавий санъат марказида мазкур юрт мусаввирлари ва фотоусталарининг кўргазмалари очилади. Уларда Хитойнинг бугунги ҳаёти, табиати, тарихий обидалари, миллий анъаналари, урф-одати, турмуш тарзи ўз ифодасини топади.

Маданият кунлари пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида тантанали равишда очилади. Хитой санъаткорлари Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театри, Ўзбекистон Давлат консерваториясида концертлар берадилар.

Маданият кунлари доирасида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги билан мазкур мамлакат элчихонаси ҳамкорлигида хитой киноси кунлари ўтказилиши мўлжалланган. Киночилар уйида ўтадиган фестивалда бадиий, ҳужжатли ва анимацион фильмлар намойиш этилади.

Хитой ижодий жамоалари Самарқанд шаҳрида ҳам ўз санъатини намойиш этади. Вилоятнинг Ҳамид Олимжон номидаги мусиқа ва драма театри улар ихтиёрида бўлади. Меҳмонлар бошқа театрлар, маданият масканлари, музейлар, тарихий қадамжоларга ташриф буюрадилар, ижодий учрашувлар ўтказадилар.

**(ЎзА)**

***Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси ҳамда Матбуот ва ахборот қўмитаси меҳр ва мурувват тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказди. Унда оммавий ахборот воситалари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.***

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Сўзга чиққанлар мустаҳкам ва бахтли оилалар жамият равнақининг асоси, камолот ва меҳр-мурувват бешиги эканига алоҳида аҳамият қаратдилар. Ҳозирги глобаллашув жараёнида миллатимизнинг муқаддас анъаналари ва азалий қадриятларини кенг кўламда қарор топтириш ва уларни ёт таъсирлардан сақлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс экани таъкидланди.

Айрим кўнгилочар нашрларда чоп этилаётган материалларда кўтарилаётган мавзулар миллий одоб ва аҳлоқ меъёрларига зидлиги, ўз вақтида бундай ҳолатнинг олди олинмаса, салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкинлиги қайд этилди.

**(ЎзА)**

*Лавозим ва бурч*

## ТЎРАЧИЛИК

### ваколат доирасидан чиқиш ўзгалар ҳуқуқини камситишдир

***Лавозим курсиси хеч кимга, хеч қачон мавжуд қонуний тартибларни бузиш, ваколати доирасидан чиқиш ҳуқуқини бермайди. Афсуски, Иштихон тумани раҳбарлари қонуннинг бу талабини, Президентимизнинг раҳбар масъулияти ва бурчига оид кўрсатмаларини унутишган кўринади. Акс ҳолда ўз қўл остидаги ходимларга тўғридан-тўғри тазйиқ ўтказиш йўлини тутишмасди.***

***...Номақбул иш услуби, ўзининг раҳбарлик масъулиятини тўғри тушунмаслик охир-оқибатда қандай натижаларга олиб келишини англаш қийин эмас.***

*(Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан.)*

А.Бердиқулов номли ширкат хўжалиги жамоаси кейинги йилларда шартномавий режаларни ошириб уддалаб келмоқда. Бултур ҳам натижа ёмон бўлмади. Ҳамма машмаша 2003 йилнинг декабрида бошланди. Мазкур хўжалик бошқаруви раиси Муҳитхон Сайдовутов кимнингдир мушугини бехосдан «пишт» деб қўйган, шекилли, туман ҳокимлигида хўжалик ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида бўлган одатдаги йиғилишдан кейин, аниқроғи, 16 декабр куни туман ҳокимининг ўринбосари Неъмат Шакаров мазкур ширкат хўжалиги бошқаруви раиси М.Сайдовутовдан эгаллаб турган лавозимидан ўз ихтиёри билан бўшаш ҳақида ҳоким номига ариза ёзишини талаб қилди. Табиийки, М.Сайдовутов эътироз билдириб, хўжаликда режалар бажарилганлигини айтиб, нима учун ишдан кетиши лозимлигини сўрайди. Лекин жўяли жавоб ололмайди. Охир-оқибат Н.Шакаровнинг ошкора тазйиқи остида ишдан бўшаш ҳақида ҳоким номига ариза ёзишга мажбур бўлади. Лекин ҳоким ушбу аризани негадир ҳаракатсиз қолдиради. Бироқ бу шунчаки нафас ростлаш экан.

Орадан роппа-роса бир ой ўтиб, 2004 йил 15 январ куни туман ҳокими тумандаги ташкилот раҳбарлари билан биргаликда А.Бердиқулов номли ширкат хўжалигига келиб, кенгашга хўжалик бош пудратчиларини ва ҳудуддаги фермер хўжалиқ раисларини ҳам таклиф этади. Умуман, қишлоқ хўжалик ишлари таҳлилига бағишланган кенгаш номаълум сабабларга кўра А.Бердиқулов номли ширкат хўжалигининг вакиллар йиғилиши деб эълон қилинади. Шу ерда туман ҳокими мазкур хўжалик бошқаруви раиси М.Сайдовутов раислик лавозимидан бўшатишни сўраб бир неча бор ариза берганлигини айтади. Шунга кўра унинг аризаси қондирилиб, яъни М.Сайдовутовни ишдан бўшатиб, хўжалик бошқаруви раислигига туман ҳокимлиги назорат инспекцияси бошлиғи лавозимида ишлаб турган Ш.Бобоназаровни вақтинча тайинлайди. Мазкур масала, аниқроғи, мутахассис раҳбар ходимнинг тақдири шунчалар осон ҳал қилинадики, бунга изоҳ ҳам топилмайди. Ҳолбуки, М.Сайдовутов қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, 30 йилдан бери қишлоқ хўжалик соҳасида, шунинг 20 йилини турли раҳбарлик лавозимида ишлаб келаётган эди. 2002 йилда иккита қолоқ хўжалик бирлаштирилиб, ташкил этилган А.Бердиқулов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раислигига сайланган ва ўтган давр ичида хўжалик иқтисодиётини анча барқарорлаштиришга эришган эди. Бу ҳам майли. Уни ишдан бўшатиш чоғида қонун талабларини бажариш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади.

Туман ҳокими ушбу масала вилоят ҳокими билан келишилган, сизга бошқа иш берамиз, дегандан кейин М.Сайдовутов муроса қилиб қўя қолди. Амал талашиб обрў орттириб бўлмаслигини у яхши биларди. Чиндан ишлаш нияти бор одам қаерда бўлса ҳам фаолиятни давом эттириб кетаверади-да. Қонуний ҳуқуқни ҳимоя қилиш эса бошқа нарса. Бироз вақт ўтиб тумандаги катта йиғилишда ҳоким Ҳ.Шукуруллаев М.Сайдовутовни туман боғдорчилик уюшмаси раҳбарлигига тайинланганлигини маълумот учун айтиб ўтди. Бир неча кундан кейин эса боғдорчилик уюшмасига вилоят раҳбарларининг тавсияси билан бошқа киши тайинланганини худди юқоридаги каби катта бир йиғилишда туман ҳокимининг ўзи эълон қилди. Ажабо, бундан ортиқ субутсизлик бўладими? М.Сайдовутовнинг ишсиз қолгани энди аниқ эди. Шундан кейин ҳам М.Сайдовутов 70 гектар сувли, 120 гектар лалми ва 38 гектар токзордан иборат шароити оғир ҳудудда фермер хўжалиги ташкил этишга рухсат беришни сўраб ҳокимга мурожаат қилди. Аммо бу ҳаракат, ташаббус қўллаб-қувватланмади.

Меҳнат ҳуқуқлари очиқ-ойдин паймол этилганини англагач, у агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Самарқанд вилоят қўмитасига мурожаат қилди. Вилоят қўмитаси текширувида қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли тартибда тақдимнома киритилган бўлса-да, туман ҳокими ўзининг ғайриқонуний тутумидан воз кечмади. Шундай сўнг вилоят қўмитаси судга даъво аризаси киритди. Фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро суди 2004 йил 3 май куни М.Сайдовутовни ишга тиклаш, унга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириб бериш тўғрисида қарор чиқарди. Чунки М.Сайдовутовни ишдан бўшатишда қонунбузарлик ҳолатлари мавжудлиги очиқ-ойдин кўриниб турарди.

(Давоми 2-бетда)

## ҲАМИША ЭЪТИБОРИМИЗДА, АРДОҒИМИЗДА

АҚШнинг Тошкентдаги Тинчлик Корпуси директори Эдвард Виллет имзоси билан вилоят касаба уюшмалари тармоқ қўмитасига миннатдорчилик мактуби келди. Унда ўтган йили «Жиззахгазтаъминот» корхонаси тасарруфидаги «Зангори олов» болалар оромгоҳида Сирдарё ва Жиззах вилоятлари педагогика олийгоҳлари ҳамда коллежларининг 300 нафар иқтидорли талабаси учун инглиз тили йўналиши бўйича гуруҳлар ташкил этилиб, мароқли дам олишини ташкиллаштиришда вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитасининг фаол кўмаги бўлганидан мамнунлик изҳор этилади.

### *Ёзги соғломлаштириш — юксак масъулият*

Дарҳақиқат, ўтган йилги мавсумда «Зангори олов» оромгоҳида меҳнаткашларнинг 519 нафар фарзанди мириқиб ҳордиқ чиқаришган эди. Шундан 219 бола «Жиззахгазтаъминот» шўъба корхонаси ходимларининг фарзандлари эди. Уларга давлат ижтимоий суғурта маблағидан 1 миллион 791 минг сўм ҳамда шўъба корхона ҳисобидан 3 миллион 451 минг сўм, жами 5 миллион 242 минг сўмлик маблағ сарфланди. Шуниси эътиборлики, корхона ишчи-хизматчиларининг фарзандларига ажратилган йўлланмалар бепул берилди. Шўъба корхона болаларни 350 минг сўмлик бепул дори-дармон билан таъминлади.

Форишнинг сўлим тоғлари бағрида жойлашган болалар оромгоҳи бу йилги мавсумда ҳам ҳомийлар кўмагида барвақт шайлаб қўйилди. Ҳадемай, бу маскан болажонларнинг шоду-хуррамлиги билан янада файзли бўлади. Анъанага кўра бу йил ҳам мазкур оромгоҳда Америка Тинчлик Корпуси кўнгиллилари ва уларнинг ҳамкорлари томонидан инглиз тили йўналиши бўйича гуруҳлар ташкиллаштирилиб, уларда жиззахлик ва сирдарёлик 120 нафар мактаб ўқувчиси ҳамда олийгоҳларнинг 110 нафар иқтидорли талабаси мириқиб ҳордиқ чиқаради.

**Комилжон ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг Жиззах вилояти вакили**

*Касаба уюшма ҳаёти*

# КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

Янги директорнинг иш юритиши Абдураҳмон Мамадалиевга маъқул тушди. Корхонада бирор муаммо туғилса, албатта бошқарув ҳайъати билан кенгашади. Бугун ҳам бир масала сабаб касабақўм раисини йўқлади.

Абдураҳмон ака хонага кириб келганда Маҳмуджон Йўлдошевнинг ёнида бош муҳандис, меҳнат муҳофазаси мутахассиси, сифат назорати бўлими бошлиғи, қуритиш-тозалаш цехи бригадири ўтиришарди. Қош-киприкларига қўнган чанг-гарддан директорнинг ҳозиргина цехдан чиқиб келганлиги билиниб турарди. Абдураҳмон ака ҳам ҳозиргина механика цехидан қайтган, ишчилар ойлик маошлар тўловларидаги узилишлардан норози бўлишиб, касабақўм раисини «ўртага олишганди».

Йиғилиш чўзилди. Омборларда харидорларини кутиб ётган тайёр маҳсулотлар, эскирган дастгоҳлар, мажбурий таътиллар, дебитор қарздорликлар бирма-бир тилга олинди. Маҳмуджон яқиндагина директорлик лавозимига ўтган бўлиб, эски раҳбардан унга анчагина «муаммолар» мерос бўлиб қолганди.

Ўз навбатида касабақўм раиси ҳам жамоа шартномасида белгиланган мажбуриятлар — тунги сменада ишловчиларга устама ҳақ тўлаш, хавфсиз-хатарсиз иш шароити яратиш, ойлик маошларнинг ўз вақтида қўлга тегиши лозимлигини куюниб гапирди. Сифат назоратчиси Зиёвуддин Мамарасулов эса хомашёдан тола ажратиб олишни кўпайтириш йўллари юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирди.

Касабақўм раисига янги директорнинг янгиликка ўчлиги ёқди. АҚШнинг бир қатор штатларида пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш тўғрисидаги тажрибаларни сўзлаб берди. Абдураҳмон ака Маҳмуджонни Германиядаги халқаро менежерлар мактабини тугаллаб, Ўзбекистон ҳукуматининг махсус йўлланмаси билан хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтганини кейинчалик билди.

Бошқарув ҳайъатининг йиғинида тилга олинган хомашёдан тола ажратиш кўрсатгичини кўпайтириш масаласи иш берувчини ҳам, касабақўмни ҳам бирдек ўйлантираётгани бежиз эмас. Биринчидан, корхона кўрадиган фойда салмоғи ошиб, маошга барака киради. Қолаверса, экологик муҳит яхшиланиб, хавф-хатарсиз меҳнат шароити таъминланади. Чунки ускуна, технология тизими янгилангач, ишхонада тозалик, саранжом-саришталик таъминланарди.

Тоққа чиқмасанг дўлона қайда, деган нақл бор халқимизда. Мунозара изсиз кетмади. Қарс икки қўлдан чиқади. Муаммолар ечимида касабақўмнинг ўрни сезилиб турди. Янги линияда ишловчиларни малакасини ошириш, цехларни таъмирдан чиқариш тадбирлари назоратга олинди.

«ДП-130» русумли тола ажратувчи машина ишга тушгач, ишлар жонланди. Натижада хомашёдан тола чиқиш 31.59 фоизга ошди. Ана шунинг ҳисобига 61 тонна пахта хомашёси тежаб қолинди. Бу корхона «ҳамёнига» қўшимча кирим эди. Қувончлиси, жорий йилнинг феврал ойидаги молиявий ҳолатга кўра, иш ҳақидан қарздорлик сезиларли даражада камайди. Ишловчиларнинг қўли пул кўрди. 2,5 миллион сўмлик иш ҳақи тарқатилди. Касабақўм ва маъмурият бақамти бўлиб, қарздорлик ҳақида вилоят хўжалик судига даъво аризаларини тайёрлашга киришди. Президентимизнинг 2002 йил 19 мартда қабул қилинган иш ҳақи тўловларидаги қарздорликни бартараф этишга доир Фармони даъво аризага асос қилиб олинди.

Энг катта қарздорлардан «Асакаёғмой» ҳиссадорлик жамияти шартномани бузиб, чигит ҳақини тўламай келаётганди. Даъвогарларнинг муросасизлиги, қарзни узишни тезлаштирди. Нақд пул тақчиллигини баҳона қилиб, маош тўловларини пайсалга солаётган «Асакапахтабанк» мутасаддилари ҳам инсофга келишди.

Ишчилар учун бепул иссиқ овқат ташкил қилингани, камхарж хонадонларга 1 миллион сўм атрофида моддий ёрдам кўрсатилганлигини айтадиган бўлсак, касаба уюшмасининг корхонада мавқеи, нуфузи ошди. 460 нафар меҳнаткашнинг манфаатлари жамоа шартномасида қамраб олинган.

Самарали ҳамкорлик корхонани қолоқликдан чиқариб, илғорлар сафида юришга ундамоқда. Пахта тозаловчилар айни кунларда Асака туманидаги 10 ширкат хўжалиги, битта пахтачилик илмий-текшириш институтига хизмат кўрсатмоқда. Ўтган йили пахта хомашёсини қайта ишлаб 7 минг тоннага яқин сифатли тола олинди. Маҳсулот шартнома бўйича 10 га яқин хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Ишлаб чиқаришдаги асосий кўрсаткичлар юзасидан корхона пешқадам жамоалар қаторига чиқмоқда.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ҚЎЛИ ОЧИҚ ОҚСОҚОЛ

***Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шерали Аббосов ва кўча оқсоқоли Қаршибой Синдоровлар Нопар момо яшайдиган хонадонга етиб келишганида вақт пешиндан оққан эди. Дарвозадан кираверишидаги ток новдаларининг тартибли тараф қўйилганлиги ва ҳовли саҳнининг супириб-сидирилганлиги кишининг баҳри-дилини очади.***

– Хуш кўрдик, келингизлар, - деди момо меҳмонларни ўтказишга жой тополмай. – Ҳозиргина мактаб ўқувчиларини кузатиб қўйган эдим. Улар вақти-вақти билан уй юмушларимга қарашиб туришади.

Оқсоқоллар салом-аликдан сўнг дастурхон атрофига ўтиришди. Бу ерда ҳам саранжом-саришталикни сезса бўларди. Улар бир пиёла чой баҳонасида момонинг турмуш шароити билан яқиндан танишишди, унинг хуш кайфиятини кўриб хурсанд бўлишди.

– Мана бу сизга арзимас совғамиз, - деди раис қўлидаги пакет қоғозни момога тутқазаркан. – Байрамингиз қутлуғ бўлсин.

– Умрингдан барака топ, ўғлим, - деди у миннатдорчилигини қандай ифода этишни билолмай.

Бир оғиз ширин сўз, ҳол-аҳвол сўраб кўнгил кўтариш, меҳр-мурувват кўрсатиш беморга тасалли бўларкан. Момо ўзини бардам сезиб, беҳад хурсанд эди. У саксон ёшни қоралаб қолган, йўқлаб, ҳол-аҳволидан хабар олганликлари учун суюниб, яйраб ўтирарди.

Шу тобда уйга «Аламли» маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари кириб келишди. Улар Нопар момога кажавали чет эл аравачасини совға қилишди.

Ғаллаорол туманидаги «Аламли» маҳалласида кам таъминланган оилалар, ногиронлар, боқувчисидан ажраган фуқаролар ва ёлғиз кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътибор кун сайин кучайтирилмоқда. Бир неча ой муқаддам маҳалла фуқаролар йиғинига Аҳмедовлар оиласидан ёрдам сўраб ариза тушган эди. Тўй ва маъракаларни ўтказиш комиссияси аъзолари бунга бош бўлишди. Наврўз кунлари арафасида келин-куёв Икром ва Дилфузаларнинг никоҳ тўйлари харажатига йиғин раиси ўз шахсий жамғармаси ҳисобидан маблағ сарфлади.

Бундан ташқари, саховатпеша инсон биргина шу йилнинг тўрт ойи мобайнида кам таъминланган, ногирон ва боқувчисини йўқотган 25 оилага ўз шахсий жамғармасидан 550 минг сўмлик ёрдам кўрсатди.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан фуқаролар йиғини раиси Шерали Аббосовнинг хайрли ишлари янада кенг қулоч ёзди. У вилоят сил касалликларини даволаш болалар санаторийсига телевизор, гилам ва туман марказидаги даволаш поликлиникасининг гинекология бўлимига магнитофон, гилам совға қилди. Ўз шахсий жамғармаси ҳисобидан шифохонадаги 7 та хонани тўлиқ таъмирдан чиқариб берди. Шунингдек, маҳалла ҳудудида жойлашган А.Қодирий номли 42-умумтаълим ўрта мактабининг таъмирлаш ишлари учун 70 минг сўм маблағ сарфлади.

Мана бир неча йилдирки Шерали Аббосов туманда халқимизнинг севимли миллий кўпкарисини жонлантиришга ўз ташаббускорлиги билан ҳисса қўшмоқда. У вақти-вақти билан Кориз, Солин, Кўкбулоқ ва Қангли қишлоқларида бўлиб, чавандозлар билан учрашиб туради. Уларнинг шарт-шароитлари билан қизиқади, моддий жиҳатдан ва зарур техника воситаларидан ёрдам қилиш ташвиши билан яшайди. Натижада тумандан кейинги икки йил ичида Шертой Пиримқулов, Бунёд Аббосов, Анвар Жўрабоев сингари эпчил, чаққон ва ҳар томонлама спортга чиниққан чавандозлар етишиб чиқди. Коризлик Шертой полвон Пиримқулов вилоят биринчилиги учун ўтказилган мусобақада ғолиб деб топилиб, қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланди. Айни кунларда у республика биринчилиги учун ўтказиладиган мусобақага қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Яқинда Шерали Аббосов вилоятда бўлиб ўтган қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасидаги «Энг мурувватли инсон» кўрик-танловида ғолиб деб топилди. Тиниб-тинчимас инсон «Кўкбулоқ» ширкат хўжалиги далаларида деҳқончилик қилиб келади. Биргина ўтган йили мавжуд 90 гектар лалмикор ғалла майдонининг ҳар гектаридан 8,5 центнердан ҳосил олиб, жами 76 тонна сара буғдой етиштирди. Олинган ҳосилнинг бир қисмини маҳалласидаги етим-есирларга тарқатди. Шунингдек, қарамоғидаги майда шохли моллар туёқ сони ҳам йилдан-йилга кўпаймоқда. Бу йилги қўзилатиш мавсуми отарда катта уюшқоқлик билан ўтказилди. 508 бош жайдари совлиқнинг ҳар юзидан 103 тадан қўзи олиниб, бир отардан – икки отар яратилди.

Тумандаги «Мирзабулоқ» маҳалласида саховатпеша ва олиҳиммат кишилар ҳақида гап кетгудек бўлса, дастлаб Алишер Суюновнинг номи тилга олинади. Тадбиркор бир неча йилдан бери мўл-кўл сархил мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириб, олган даромадининг бир қисмини Хонақа, Қизилқўрғон ва Найман қишлоқлари ободончилиги, шифохона ва таълим-тарбия масканларини таъмирдан чиқариш ҳамда кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга сарфлаб келмоқда. Масалан, биргина шу

*Саховат*

йилнинг ўзида «Ғунча» болалар боғчаси ва 24-мактабнинг таъмирланиши учун ўз жамғармаси ҳисобидан 150 минг сўм маблағ сарфлади. Қишлоқлар ўртасидаги 1,5 километрлик йўлни текислаб, шағал ётқизишни ҳам ўз зиммасига олди. Шунингдек, ариқ-зовурларни тозалаш, дарахтларни оқлаш, кўчат ўтқазиш ва боғ-роғлар яратишда фаоллик кўрсатди.

Саховатли тадбиркор маҳаллада истиқомат қилувчи ногирон А.Фозиловнинг ўғли учун суннат тўйи харажатини кўтарди. 17 нафар кам таъминланган ва қаровчисини йўқотган оилаларнинг тўй-маъракаларига ўз жамғармаси ҳисобидан 470 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Шунингдек, беморлардан Хонкелди Нурматов, Бувсара Очилова, Омонгул Бўроноваларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиб вақти-вақти билан керакли дори-дармонлар билан таъминлаб келмоқда. Маҳалладаги Ашур Алишбоев, Ҳамид Омонов ва Рустам Омоновлар маҳалла ҳудудидаги 20-, 45- ва 67-мактаблар ҳамда «Ғунча» болалар боғчаси хоналарини таъмирлаб беришда ўз маблағлари ҳисобидан қурилиш материаллари олиб беришди.

Ҳа, халқнинг дарди билан яшаш, ҳамнафас бўлиш, кишиларнинг узоғини яқин ва оғирини енгил қилишдан ҳам улуғ савоб борми?!

**Абдулла САИДОВ,**
**Жиззах вилояти**

## УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

***Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг Бухоро вилоят вакиллиги ташаббуси билан Меҳр ва мурувват йили ҳамда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган турли тадбирлар зўр уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.***

Яқинда Бухоро шаҳар солиқ коллежи спорт майдонларида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. «Отам, онам ва мен» деб номланган мусобақада мусобақанинг шаҳар ва туман босқичлари ғолиблари баҳс олиб боришди. Алоҳида таъкидлаш ўринлики,

*Тадбир*

ота-оналар ҳамда болажонлар иштирокида ўтган беллашувлар ниҳоятда қизғин тус олди, кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Енгил атлетика, армрестлинг, шашка каби спортнинг бешта тури бўйича мусобақаларда Бухоро шаҳар солиқ коллежи бошланғич касаба уюшма ташкилоти шарафини ҳимоя қилган Турдиевлар оилавий жамоаси умумий ҳисобда биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Нарзиевлар (Пешку туман тармоқ касаба уюшма вакиллиги) оиласига насиб этди. Шоҳсупанинг учинчи поғонасига эса Бухоро шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси вакиллари кўтарилдилар. Ғолиб ва совриндор жамоаларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Мусобақанинг ёш иштирокчилари – спортсевар болажонлар эса футбол тўплари билан тақдирланди.

Шунингдек, Республика акционерлик-тижорат «Ғаллабанк»нинг минтақавий филиали ходимларининг фарзандлари ўртасида ташкил этилган «Қувноқ стартлар» беллашувлари ҳам зўр кўтаринкилик билан ўтказилди. Мазкур беллашувларда 60 нафар ўғил-қиз иштирок этди. Бундан ташқари, Жондор туманида тармоқ касаба уюшма вакиллиги ташкилотчилиги билан болалар иштирокида қатор тадбирлар ўтказилиб, пешқадамлар ҳомийлар томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

**Б.САИДОВ,**
**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Бухоро вилоят вакиллигининг бўлим мудири**

Қўшкўпир туманида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Туманда 120 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар учун марказий шифохона, 2 та болалар, 1 та катталар поликлиникаси ҳамда 18 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. 1478 нафар қўшкўпирлик тиббиёт ходимлари эл соғлиғига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Шифо масканлари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Кишилар саломатлиги доимий равишда шифокор назоратидан ўтказиб борилмоқда.

**Суратларда: 1.Марказий шифохона бош шифокори Ш.Аллаберганов (ўнгда), касабақўм раиси С.Собиров ва бош шифокор муовини К.Абдураззоқов. 2.Шошилинч тиббий хизмат бўлими ходимлари З.Искандарова ва Х.Хўжаназарова беморни текширишмоқда.**

**И.ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**





## «МАФТУНА» БУЛОЧКАСИ ХАРИДОРГИР

Тошкент шаҳридаги «Ҳасанбой ота нон» масъулияти чекланган жамиятида бугунги кунда пойтахтликлар дастурхонига 10 хил нон ва нон маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган «Бахт», «Ширин», «Шифобахш кулча нон», «Насиба» каби нон ва булочкаларга талаб катта.

– Корхонамизда 33 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади, – дейди жамият раиси Мақсуд Пайзиев. – Ишчиларимизнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Улар корхонанинг юксалиши ҳамда маҳсулотнинг сифатини янада ошириш мақсадида бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишмоқда.

Собир Раҳимов туманидаги «Аҳил» маҳалласида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар ҳамда ёрдамга муҳтож қарияларимиз доимий эътиборимизда. Байрам ва тантаналарда баҳолиқудрат ёрдамимизни аямаяпмиз.

«Мафтуна» булочкасининг ишлаб чиқарилганига кўп бўлгани йўқ. Бу маҳсулот ўзига хос таъми ҳамда шифобахшлиги билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

**Ҳ.ҚОДИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Лавозим ва бурч*

# ТЎРАЧИЛИК

## ваколат доирасидан чиқиш ўзгалар ҳуқуқини камситишдир

(Боши 1-бетда)

Яъни, А.Бердиқулов номли ширкат хўжалигининг Иштихон туман ҳокими қарори (№412, 30.05.2001 й.) билан тасдиқланган низомининг 10-қисми 54-,55-бандларида хўжалик умумий йиғилишининг мақоми, ваколатлари аниқ белгиланган. Умумий йиғилиш хўжалик бошқарувини, унинг раисини ва тафтиш комиссиясини сайлайди ҳамда чақириб олади. Бу ваколат бошқа ҳеч кимга берилмаган. М.Сайдовутов ишдан бўшатилган 2004 йил 15 январдаги вакиллар йиғилиши хўжалик низомининг 57-бандига кўра ваколатли бўлмаган. Негаки, йиғилиш баённомасида иштирокчилар сони умуман кўрсатилмаган. Шунингдек, М.Сайдовутов хўжалик бошқарувига ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзмаган. Унинг ҳоким номига ёзган аризаси ҳуқуқий асосга эга эмас. Бунинг устига меҳнат шартномасини ходим ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги ариза Меҳнат Кодексининг 99-моддаси талабига мувофиқ 14 кун ичида кўриб чиқилиши керак. Бу муддат ўтказиб юборилгач, ушбу ариза меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўла олмайди.

Соддагина тарзда тушунтирганда, М.Сайдовутов хўжалик бошқарувига ариза бериши, бошқарув тегишли қарор қабул қилиши ва масалани умумий йиғилиш муҳокамасига киритиши керак эди. Зеро, қонун бўйича туман ҳокими ширкат хўжалиги раисини ишдан бўшатиш ваколатига мутлақо эга эмас. Ушбу жараёнда йўл қўйилган қонунбузарлик ҳолатларини Иштихон туман ҳокимлиги ҳуқуқшуноси Ў.Турсунқулов ҳам деярли эътирозсиз тан олди. Судда сўралган гувоҳларнинг кўргазмалари ҳам туман раҳбарларининг ғайриқонуний иш тутганини узил-кесил тасдиқлайди.

Адолат судда тикланди. Лекин суд қарорининг ижросини таъминлаш осон бўлмади. Қонунда суднинг ходимни ишга тиклаш ҳақидаги қарори дарҳол ижро этилиши белгилаб қўйилган бўлса-да, туман ҳокимининг қаршилигини енгиш учун 20 кун керак бўлди. Шу ўринда ижрони таъминлаш борасида қонуний ваколатга эга бўлган суд ижрочиларининг қатъиятсизлигини эслатиб қўйиш даркор. Суд қарори ижросини пайсалга солган туман ҳокими А.Бердиқулов номли ширкат хўжалигининг думалоқ муҳри ва бурчак тамғасини шахсан олиб қўйганини қандай тушуниш мумкин? М.Сайдовутов суд қарори билан ишга тиклангандан кейин ҳам туман раҳбарлари мазкур ширкат хўжалигида қайтадан умумий йиғилиш чақиришга уринаётгани, бу ҳаракатга ҳали-ҳануз чек қўйилмагани нимадан далолат беради.

Умуман, туман ҳокимлари ва ҳокимликлари фаолиятининг асосий қисмини қишлоқ хўжалик ишларининг боришини назорат қилиш, аниқроғи, деҳқон ва мутахассисларга қайси ишни қачон ва қандай бажаришни ўргатиш ташвиши банд этади. Бу гап соҳага дахлдор юқори ташкилотларга ҳам тегишли. Вилоятда бу ишларга маҳалла раислари, мактаб директорларини ҳам узлуксиз жалб этиш одат тусига кириб қолган. Бизнингча, ҳар ким ўз иши билан шуғуллангани дуруст ва бундан жамият кўпроқ фойда кўради. Айтайлик, мазкур А.Бердиқулов номли ширкат хўжалигининг 2004 йил 1 июн ҳолатига жами 17 миллион 550 минг сўм дебиторлик қарзи ва иш ҳақидан 43,1 миллион сўм қарзи бор. Бошқа хўжаликларда ҳам аҳвол шунга ўхшаш. Хўш, туман ҳокимлиги ўз ваколати доирасида ана шу муаммолар ечимига кўмаклаша олмайдими?

Президентимиз айтганидек, ишлаб чиқарувчиларнинг эркин иқтисодий фаолиятига имкон берадиган давр аллақачон етган. Бироқ айрим раҳбарларимиз ишнинг маъмурий-буйруқбозлик услубидан қутула олмаяпти. Тўрачиликнинг иллати шундаки, амалдор қўл остидагиларнинг ҳар бир ҳаракатини буйруқ ва кўрсатма билан бошқаришни ўзининг биринчи вазифаси деб ҳисоблайди. Қонунбузарлик ҳолатлари ана шундан келиб чиқади. Бинобарин, ҳуқуқий маданият ва қонунга қатъий риоя этиш хислатларини барчада шакллантирибгина олий мақсадимиз-адолатни қарор топтириш мумкин.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Адолат мезони*

# ИЖТИМОИЙ ТЎЛОВЛАР

## нақд пул тушумига боғлиқ

***Иш ҳақи, пенсия, нафақа каби ижтимоий тўловларни вақтида тўлаб бориш кўп жиҳатдан нақд пул тушумларига боғлиқ. Банкларга пул тушмаса, фуқаролар олдидаги ижтимоий мажбуриятларни бажариш мушкуллашиб бораверади.***

Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида бу масалага алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Чунки кўп жойда товар айланмаси ошгани билан банк муассасаларига тушаётган нақд пул тушуми миқдори кутилганича бўлмаяпти. Тушум кўп ҳолларда кассани эмас, киссани «қидириб» топяпти. Назорат-касса машиналаридан фойдаланмаслик ва бошқа қоидабузарликлар оқибатида шундай нохушликлар келиб чиқмоқда.

Республика солиқ тизими ходимлари пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш йўлида мунтазам рейд ва текширувлар ўтказиб келмоқдалар. Шу жараёнда нақд пул тушумини банкдан яшириб, бошқа мақсадларга сарфлаётган ҳуқуқбузарлар аниқланмоқда ва уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Яқинда Шовот туман ДСИ ходимлари ўтказган текширувда «Болтаев Саъдулла» хусусий фирмасининг молиявий фаолияти таҳлил этилди. Текшириш давомида фирма томонидан ўтган ойларда 51 миллион 252 минг 698 сўмлик спиртли ичимликлар НКМсиз аҳолига нақд пулга сотилганлиги ва тушган тушум эса ўз вақтида банкларга топширилмай, бошқа мақсадларга сарфлаб юборилганлиги маълум бўлди. Шундай ҳолат ўтган йилда ҳам аниқланган эди. Бу эса пенсия, стипендия ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлашда жиддий қийинчиликлар келтириб чиқарганлиги ўз-ўзидан маълум.

Устига-устак фирма 9 та корхона ва ташкилотга 9 миллион 616 минг сўмлик маҳсулотларни улгуржи савдо гувоҳномасиз сотиш билан шуғулланган экан. Бундай қоидабузарликлар фирма раҳбари М.Болтаев кўзи ўнгида содир этилган бўлса-да, лекин у бирор чора кўрмаган эди. Шу боисдан ҳам ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 280-сонли қарори талаблари айрим ширкат хўжаликларида ҳам қўпол равишда бузиляпти. Тумандаги «Соҳибкор» ширкат хўжалигида ўтказилган текширувда 89 миллион 91 минг 100 сўм нақд пул тушумининг банкка топширилмаганлиги маълум бўлди. Туман прокуратураси тўпланган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, ширкат хўжалиги раҳбари Р.Миркаримов ва бош ҳисобчи Я.Машариповга нисбатан жиноий иш қўзғатди.

Афсуски, бундай ҳолатлар фақат чекка туманларда эмас, Тошкентдек шаҳри азимдан ҳам кўзга ташланмоқда. Яқинда Юнусобод туман ДСИ ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори талаблари «Арслон-Темур» МЧЖга қарашли дўконда қандай бажарилаётганлигини ўрганиб, бир қатор қоидабузарликларни очиб ташладилар.

Текширув ўтказилган куни сотувчи А.Тешабоев 102 минг 375 сўм савдо пулини НКМ хотирасига киритмаганлиги аниқланди. Бунинг устига 4 миллион 12 минг 500 сўмлик акциз маркасиз спиртли ичимликлар бемалол сотилаётган эди. Дарҳол савдо тўхтатилиб, тузилган баённомалар ҳуқуқий хулоса олиш учун тегишли идораларга юборилди.

Ўтган ойларда Тошкент шаҳри бўйича 2675 та қисқа муддатли текшириш ўтказилиб, 169 ҳолатда назорат-касса машинаси ўрнатилмаган ҳолда савдо қилинаётганлиги, 1236 ҳолатда эса мавжуд НКМдан фойдаланилмаётганлиги маълум бўлди. 950 ҳолатда 163,8 миллион сўм нақд пул тушуми вақтида банкларга топширилмай, бошқа мақсадларга сарфланганлиги тасдиқланди. Харидор билан ҳисоб-китоб вақтида назорат-касса машинасини ишлатмаган ва НКМ хотирасига савдо пулларини киритмаган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан 836,1 миллион сўм молиявий жарима қўлланилди. 1120 та савдо корхонасига нисабатан эса туман ҳокимиятларига тақдимномалар киритилди.

Шаҳар давлат солиқ бошқармаси ходимлари нақд пул тушумларини кўпайтириш мақсадида савдо ва умумий овқатланиш корхоналари бўйлаб мунтазам хронометраж ўтказиб келмоқдалар. Шу жараёнда бир кун олдин тушган тушумга нисбатан 2191,8 миллион сўм миқдорида нақд пул тушуми кўп тушганлиги кузатилди. Бу тажрибага бундан буён ҳам амал қилинади.

Рейд ва текширувларга фақат савдо шохобчалари ва умумий овқатланиш корхоналари эмас, балки шаҳарлараро қатнаётган транспорт воситалари ҳам қамраб олиняпти. Яқинда Бухоро вилоятида шундай рейд ўтказилди. Унда солиқ хизмати ходимлари билан бирга ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг вакиллари ҳам иштирок этдилар. Шу жараёнда Бухоро шаҳрига кириб келаётган тўртта юк машинаси тўхтатилиб, уларнинг юкхоналари назорат тартибида текширувдан ўтказилди.

Фуқаро А.Ҳамидовга тегишли бўлган юк машинасида сохта тадбиркор М.Эргашева 4 миллион 690 минг сўмлик 29 дона чет элда ишлаб чиқарилган ҳужжатсиз радиоаппаратураларни олиб келаётган экан. К.Абдувоҳидовга тегишли ГАЗ-53 машинасига эса 18 миллион сўмлик чет эл атир-упалари, параболик антенна ва тюнерлар ортилган эди. Ака-ука Ҳусановлар бошқариб келаётган машиналар ҳам шундай ҳужжатсиз телерадиоаппаратураларга тўла эди.

Товарларни четдан олиб келиш ва сотиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 мартдаги 154-сонли қарорида аниқ белгилаб қўйилган. Қарорга кўра чет эл товарларидан республикамиз ҳудудига кирганлиги ва божхона кўригидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилади. Ҳужжатлари бўлмаган тақдирда улар мусодара қилинади. Юқорида номлари келтирилган ҳайдовчилар ҳам, улар ёнида келаётган сохта тижоратчилар ҳам бу талабга риоя этмай топган-тутганларидан айрилиб ўтирибдилар. Бу билан улар фақат ўзларига эмас, оилаларига ҳам катта моддий зарар етказдилар. Ҳамма иш қонун-қоидали бўлганида топганлари ўзларига буюрган бўларди. Начора, қинғир иш келтирар ташвиш деганлари шу-да.

**Жасур НОСИРОВ**

# ЎЗБЕКИСТОН САНАТОРИЙЛАРИ

## йилнинг тўрт фаслида сизга мунтазир

### «АБУ АЛИ ИБН СИНО» САНАТОРИЙСИ

*Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг Нуробод туманида жойлашган. Санаторий асаб тизими, юрак-қон томир, таянч-ҳаракат, тери касалликлари билан оғриган беморларни қабул қилади. Беморлар асосан термал, табиий родонли, хлорид-сульфат, натрийли, кам ишқорли ва азот газли шифобахш сувлар билан даволанадилар. Шифохонанинг даволаш ва диагностика хоналари замонавий тиббиёт аппаратлари ва ускуналари билан жиҳозланган. Бу йил янги, замонавий даволаш усулларини ўз ичига олган мажмуа иш бошлади.*

*Дам олувчилар бир-икки кишилик хоналарга жойлаштирилади. Ёзги ва қишки клуб, дискотека, спорт майдончаси, чойхона улар хизматида.*



### «СИТОРАИ МОХИ ХОСА» САНАТОРИЙСИ

*Иқлимий ва бальнеологик курорт. У Зарафшон дарёси воҳасида, денгиз сатҳидан 500 метр баландликдаги сўлим бир масканда жойлашган.*

*Даволаш омиллари ёзда қуруқ ва иссиқ ҳаво, намлиги республикада энг паст чўл иқлими ҳамда сулфат-хлорид натрийли маъданли сув ҳисобланади. Улар буйрак, асаб тизими, таянч-ҳаракат ва ҳазм аъзолари касалликларини даволашда қўлланилади.*

*Санаторийда замонавий ташҳис ва даволаш хоналари мавжуд. Физиотерапия, лазеротерапия, балчиқ билан даволаш, бадантарбия, уқалаш, чўмилиш ҳавзаси, сауна, фитобар ва парҳез соғлиғингизни тиклаш мақсадларида қўлланилади.*

*Бу ерда ошхона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, маданият саройи, спорт майдончалари, кутубхона, музей бор. Бухоро шаҳрининг тарихий обидаларига экскурсиялар ташкил қилинади.*

### «ЗОМИН» САНАТОРИЙСИ

*Жиззах вилоятидаги иқлимий курорт. Туркистон тоғ тизмасининг шимолий этакларида, денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда, қўриқхона ҳудудида жойлашган. Мусаффо ҳаво, қуёш нурларининг мўллиги, ультрабинафша радиациясининг юқорилиги иқлимий профилактик ва терапевтик муолажалар ўтказишга қулай табиий шароит яратади.*

*Санаторий барча қулайликларга эга ётоқ, даволаш, овқатланиш мажмуаларини ўзида тўплаган етти қаватли муҳташам бинода жойлашган. 3 дан 14 ёшгача бўлган болаларни ота-оналари билан бирга қабул қилиш учун «Она-бола» бўлими ташкил қилинган. Санаторий энг янги даволаш-ташҳислаш аппаратлари билан жиҳозланган.*

*Асосий даволаш омили тоғ иқлимидир. Бундан ташқари, сув билан даволаш (сунъий марваридли, йод-бромли, игна баргли ванналар, душлар, бассейн), физиотерапевтик бадантарбия, терренкур, уқалаш, сауна ҳамда бронхиал астмали беморларни даволаш учун галокамерадан фойдаланилади.*

*Ётоқ биноси бир ва икки ўринли шинам палаталардан ташкил топган. Шу бинода клуб, кутубхона, бар, болалар учун аттракционлар, спорт майдончалари мавжуд.*

### «БЎСТОН» САНАТОРИЙСИ

*Денгиз сатҳидан 450 метр баландликда, «Зах» каналининг бўйида жойлашган. Қуёш нури, шифобахш сув ва балчиқлар асаб тизимлари, юрак-қон томир, гинекология, урология касалликлари билан оғриган беморлар учун самарали даволаш омилларидан ҳисобланади.*

*Даволаш мақсадида термал сульфат-кальций, ишқорли натрий, азот минералларига бой маъданли сув ванналаридан фойдаланилади. Шунингдек, электронур, бадантарбия, психотерапия, игна-терапия, лазеротерапия, галванобалчиқ, парафин-озокеритлар қўлланилади. Ультратовуш текшируви, компьютерли ЭКГ, рентген хона, клиник ва биохимик лабораториялар ёрдамида аниқ ташҳис қўйилади. Янгидан қурилган сув билан даволаш мажмуасида ёпиқ чўмилиш ҳавзаси, сауна, турли хил ванналар, душлар даволанувчиларни ўзига мафтун этади.*

*Ётоқ бинолари тўлиқ жиҳозланган бир ва икки ўринли хоналардан иборат. Ошхона, клуб, кутубхона, бар, сауна, фитобар ҳамда маиший шохобчалар Сизнинг хизматингизда.*

### «ОҚТОШ» САНАТОРИЙСИ

*Тошкент шаҳридан 65 км масофада жойлашган тоғ иқлимли курорт. Ҳудуди кенг баргли ўрмонлар билан ўралган, Оқтош ва Аюбсой тоғ дарёлари оқиб ўтади.*

*Даволаш омили – мусаффо тоғ ҳавоси, ажойиб ўрмон манзараси, табиий гидроионланиш носпецифик нафас аъзолари касалликлари билан хасталанган беморларни даволашда ижобий таъсир кўрсатади.*

*Даволаш учун кўрсатма: нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари.*

*Даволаш физиотерапия, сунъий ванналар (игнабаргли, тузли), сауна, парафин ва озокерит билан даволаш, массаж, даволаш бадантарбияси, терренкур, парҳезли овқатланишдан иборат.*

*Ётоқ биносида барча қулайликларга эга, бир-икки ўринли хоналар бор. Ўн оилага мўлжалланган, барча шароитларга эга 2 та коттеж-люкс ва ёзги чўмилиш ҳовузи дам олувчилар хизматида.*

### «КОСОНСОЙ» САНАТОРИЙСИ

*Чотқол тоғ тизмалари этагида, Косонсой дарёси бўйида жойлашган иқлимий ва бальнеологик санаторий.*

*Санаторий таянч-ҳаракат, юрак-қон томир, ошқозон-ичак аъзолари ва асаб тизими касалликларини даволаш учун мўлжалланган.*

*Асосий даволаш омили мусаффо ҳаволи тоғ иқлими (ҳавода кислород зичлиги 26 фоиз) ҳамда таркиби сульфат-хлорид-гидрокарбонат-натрийли табиий маъданли сувидир. Шунингдек, бу ерда шифобахш балчиқ, уқалаш, физиотерапия, бадантарбия, фитотерапия ва парҳез овқатланиш усулларидан ҳам кенг фойдаланилади. Санаторий замонавий даволаш-ташҳис ускуналари билан тўлиқ жиҳозланган.*

*Ётоқхоналар даволаш бинолари билан туташган, шинам қилиб безатилган, барча қулайликларга эга бўлган бир ва икки ўринли хоналардан иборат. Ошхонада «витаминли стол» ташкил этилган.*

### «ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» САНАТОРИЙСИ

*Қашқадарё дарёсининг соҳилида, денгиз сатҳидан 600 метр баландликда, турли-туман мевали ва манзарали дарахтлар, боғлар билан ўралган гўзал жойда жойлашган. Мусаффо ҳаво сурункали буйрак, юрак-қон томир, таянч-ҳаракат аъзолари, асаб, овқат ҳазм қилиш аъзолари ва гинекологик касалликларни даволашда муҳим омилдир. Кейинги йилларда қуриб битказилган замонавий даволаш-ташҳис биноси, маданият саройи ва ошхона мажмуаси даволаш ишларини юқори савияга кўтаришга омил бўлди. Беморларга тўғри ташҳис қўйишда компьютерли ультратовуш текшируви ҳамда ЭКГ, эндоскопия, клиник ва биохимик лаборатория муҳим аҳамият касб этмоқда.*

*Даволашда қуёш ванналари, шифобахш балчиқ, озокерит-парафин, маъданли ванналар, душлар, бассейн, сауна, бадантарбия, игнарефлекстерапия, уқалаш, психотерапия, лазеротерапия, дуоденал зондлаш ва ичакларни ювиш, парҳез овқатланиш каби усуллардан фойдаланилади.*

### «НИҲОЛ» САНАТОРИЙСИ

*Норин дарёси қирғоғидаги кўркам боғлар ичида жойлашган бальнеологик ва иқлимий шифо маскани.*

*Даволаниш учун кўрсатма: ҳаракат-таянч, ошқозон-ичак, асаб тизими касалликлари ҳамда ўт пуфаги ва буйрак тош касалликлари.*

*Даво усулларига иқлим билан даволашдан ташқари, кам минераллашган хлорид-натрийли, ишқорийлиги кучсиз йодли сувдан ванналар (минерал, «марваридли»), душлар (циркуляр, гинекологик, Шарко) ва ичиш киради. Шифобахш балчиқ Жиззах вилоятининг Балиқли кўлидан келтирилади ва гальванобалчиқ усулида қўлланилади. Даволашда физиотерапия, парафин-озокерит, уқалаш, даволаш бадантарбияси ва фитотерапия каби усуллардан фойдаланилади. Ташҳис қўйиш ва даволанишда ЭКГ аппарати клиник ва биохимик лабораториялар ғоятда кенг қўлланилади. Тажрибали уролог-андролог, гинеколог ва стоматологлар фаолият кўрсатади.*

*Санаторий ошхонасида «витаминли стол» ташкил этилган. Кутубхона, клуб ва маиший хизмат кўрсатиш хоналари мавжуд.*

### «МИРОҚИ» САНАТОРИЙСИ

*Шаҳрисабз шаҳридан 30 км масофада, Зарафшон тоғ этагида Оқсув дарёси қирғоғида жойлашган. Денгиз сатҳидан 950 метр баландликда, атрофи қуюқ манзарали ва мевали дарахтлар билан ўралган.*

*Санаторийда асосан юрак-қон томир, юқори нафас йўллари ва асаб тизими хасталикларига чалинган беморлар даволанади. Иқлимдан ташқари сув ва балчиқ билан даволаш, физиотерапия, массаж, озокерит-парафин кабилар ҳам шифобахш омиллардан ҳисобланади.*

*Ётоқ биноси шинам жиҳозланган, бир ва икки ўринли хоналар мавжуд.*

*Санаторийда қулай, шинамгина ошхона, клуб, кутубхона, фитобар фаолият кўрсатади, экскурсиялар уюштирилади.*

### «ХОНҚА» САНАТОРИЙСИ

*Замонавий архитектура ютуқлари асосида бунёд қилинган, Амударё қирғоғига яқин жойда жойлашган иқлимий ва бальнеологик курорт.*

*Уч қаватдан иборат бўлган ётоқ, даволаш ва ошхона мажмуаси бир-бирига туташган бўлиб, даволанувчилар учун катта қулайлик яратади.*

*Алоҳида лойиҳа бўйича бунёд этилган «қишки боғ»да турли хил субтропик гуллар ва дарахтлар ён-атрофга муаттар бўй таратиб турибди. Бундай ҳолат дам олувчиларни ўзига мафтун этади, кайфиятини кўтаради.*

*Юрак-қон томир, асаб тизими, гинекологик, таянч-ҳаракат аъзолари касалликлари билан оғриган беморлар учун шифобахш табиий омиллар мавжуд: йод, бром ва бошқа кўпгина минералларга бой маъданли сувлар ичиш ва ванна қабул қилиш учун қўлланилади.*

*Замонавий ташҳислаш ва даволаш асбоб-ускуналари, физиотерапия, лазеротерапия, бадантарбия, уқалаш, игнарефлексотерапия, фитотерапия ва парҳез овқатланиш сизнинг соғлиғингизни тиклаш учун қўлланилади.*

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Курортлар бошқармаси.*
*Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 24-уй. Мурожаат учун телефонлар: 56-85-68, 56-70-97*

